Ушбу сонда:
2 Ислоҳот одимлари — БУЮРТМА РОССИЯ ВА УКРАИНАДАН
3 TV - ДАСТУРИ
4 САДОҚАТ ТИМСОЛИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 1 март, жума №35 (1252)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПОЛШАЛИК МЕҲМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўқитувчи ва талабаларнинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Полша Омбудсманининг фуқаролар ҳуқуқи бўйича вакили Анжей Цолл бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлди.

Унда А.Цолл омбудсманлик фаолияти, қонун-қоидалари ва вазифалари ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойиллари борасида маъруза қилди.

Полша Омбудсмани институти 1988 йилнинг 1 январида ташкил этилган. Омбудсман парламент томонидан беш йил муддатга тайинланади. У йилда бир марта ўз фаолияти ҳақида парламентга ҳисобот беради, шунингдек, мамлакатда қонунчилик, фуқаролар эркинлиги ва ҳуқуқларига риоя этиш борасида ўз тавсияларини тақдим этади.

**(ЎзА).**

# «МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИ



***Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 28 феврал куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммити ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбарларининг норасмий учрашувида қатнашиш учун Қозоғистоннинг Алмати шаҳрига жўнаб кетди.***

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашувида минтақа мамлакатлари ўртасида ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, хавфсизлик, террорчиликка қарши кураш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Саммитда ўзаро ҳамкорлик бўйича бир неча ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

МДҲ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида эса Ҳамдўстлик доирасида ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш, Афғонистонда ўтказилаётган аксилтеррор операцияси, гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши кураш борасидаги ҳамда ёқилғи-энергетика соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

* * *

**Алмати. 28 феврал. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

Бугун бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар минтақадаги вазият, интеграция жараёнларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазият, ғайриқонуний муҳожирлик, шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама этилди. Томонлар иқтисодиётнинг ўта муҳим тармоқларида эркин савдо зоналарини шакллантиришни тезлаштириш, транспорт инфратузилмаларини такомиллаштириш, сув заҳираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратди.

Музокаралар якунида Президентлар «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекди.

Маълумки, бу катта ўзгаришга Ислом Каримов ташаббуси билан ўтган йилнинг декабр ойида Тошкентда асос солинган эди. Алматида имзоланган ҳужжат Президентларнинг Тошкентда қабул қилган Баёнотининг амалий натижаси бўлди.

Шунингдек, «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотининг миллий мувофиқлаштирувчилари тўғрисида низом қабул қилинди. Ислом Каримов мазкур ташкилотга раис этиб сайланди.

МДҲ раҳбарлари саммити доирасидаги музокаралар эртага бўлиб ўтади.

**(ЎзА).**

*Ташаббус*

***Баҳорнинг шукуҳли кунлари бухоролик мураббийлар, меҳридарё устозлар, фахрийлар учун қувончли бошланди.***

# МУРАББИЙЛАР БОҒИ

Вилоят Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси (раиси Бахшулло Умаров)нинг Вобкент туманидаги «Зарафшон» болалар оромгоҳи (халқ таълими тизимига қарашли) базасида «Мураббийлар боғи»ни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси минглаб маорифчиларнинг дилидаги гап бўлди. Шу муносабат билан бу ерда айни кунларда кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Ўн гектарли боғ Наврўз умумхалқ байрамигача барпо этилади.

— Бултур «Зарафшон» бағрида 380 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқарган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 400 тага етказилади, — дейди вилоят қўмитасининг раиси.

Ёзги дам олиш мавсумида 100 нафардан ортиқ кекса педагоглар ҳам ўз фарзандлари билан бирга дам оладилар.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЁШЛАР ҚУВОНЧИ

***Жиззах вилоятида бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказиш қатъий режа асосида олиб борилмоқда.***

*Яқинда Бахмал ва Ғаллаорол туманларида ўтказилган шундай тадбирларда 600 дан зиёд йигит-қиз ишли бўлди. Айниқса, Ғаллаоролда ўтказилган меҳнат ярмаркасида паррандачилик фабрикаси, «Балтимор» қўшма корхонаси, Ғаллаорол газ узатиш магистрал бошқармаси, Маржонбулоқ олтин кони каби йирик корхоналар таклиф этган иш ўринларига қизиқувчилар кўп бўлди.*

**(ЎзА).**

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ЎҚҚА ТУТИЛДИ



Қобул шаҳрида Буюк Британия тинчликпарвар кучлари номаълум кимсалар томонидан ўққа тутилди. Хайриятки, ҳеч ким жабр чекмади. Фақат тинчликпарвар кучлар жойлашган бино томи бироз шикастланди. Аммо қўмондонликни бундай хуружлар тез-тез такрорланаётгани ташвишга солмоқда.

### ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Иордан дарёсининг ғарбида яна бир террорчилик ҳаракати содир этилди. Хабарларда айтилишича, Исроил аскарлари қўриқлаётган назорат пунктидан ўтаётган машина текширилаётган чоғда унда ўтирган аёл комикадзе портлатиш қурилмасини ҳаракатга келтирган. Натижада аёл ўша жойнинг ўзида ҳалок бўлган, исроиллик уч полициячи эса ярадор бўлган.

### ЕЛЕНА САЛОДГА РАД ЖАВОБИ БЕРИЛДИ

Маълум бўлишича, Украинада Запорожье вилояти Коммунар тумани ЗАГСи Елена Салоднинг ўз исми-шарифини Усама бин Лодин деб ўзгартириш хусусидаги илтимосини рад қилган. Мамлакат парламентига сайланиш ниятида бўлган Елена сайлов кампаниясига қадар янги паспорт олишга умид боғлаган эди. Фуқароларни рўйхатга олиш идорасида ўз қарорларини шундай изоҳлашди: яна бир Лодиннинг пайдо бўлиши биринчи рақамли террорчини тутишда Интерполга қийинчилик туғдиради.

### НОМЗОДГА СУИҚАСД

Тувада республика биринчи раҳбари лавозимига даъвогар, айни пайтда республика Олий суди ҳузуридаги суд идораси бошқармаси бошлиғи Вячеслав Даржга суиқасд уюштирилди. Кўнгилсиз бу воқеа Кизил шаҳрида юз берди. У ўз уйи йўлагидан чиқиб келаётганда номаълум шахс томонидан ўққа тутилган. Жабрланувчи дарҳол касалхонага ётқизилди.

### РАДОВАН КАРАДЖИЧ ҚИДИРИЛМОҚДА



Хабарларга қараганда, Боснիянинг жануби-шарқий қисмида «кенг кўламли операция» ўтказилмоқда. Ундан мақсад қидирувда бўлган Босния серблариннинг собиқ раҳбари Радован Караджични тутиб, Гаага халқаро судига топшириш. Айни чоғда у яширинган деб тахмин қилинаётган Челебичи қишлоғи тинчликпарвар контингент томонидан қамал қилинган. Мадад учун бир қанча вертолётлар келтирилган.

### ОЗМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ!

Семизлик кишига кўпгина ноқулайликлар келтириши мумкин. Шу боис, ортиқча вазндан қутилиш учун одамлар турли-туман воситаларга мурожаат қиладилар. Novo Nordisk фармацевтика компанияси лабораторияларида тадқиқ этилаётган дори ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилади. Илк тажрибалар ижобий натижа берди. Янги дори синовга «мубтало қилинган» макака маймунига ҳеч қандай салбий таъсир этмади. Бу дори қўллангандан кейин маймун соғлиғига зарар етмаган ҳолда одатдагидан 40 фоизгача камроқ овқат истеъмол қиладиган бўлди, холос.

**«Интернет» ва жаҳон оммавий ахборот воситалари асосида тайёрланди.**

*Олий хўжалик суди аралашгач*

## ФЕРМЕР ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

Чилмирза Қамбаров бундан 6 йил муқаддам Дўстлик туманидаги Қосим Раҳимов номли ижара ширкат бирлашмаси ҳудудида фермер хўжалигини ташкил этиб, дастлабки йили 10 бош қорамол боқиш билан иш бошлаганди. Айни чоғда чорва бош сони 35 тага етказилди. Биргина ўтган йили у 8 тонна сут, 544 килограмм гўшт етиштириб, сотди. Тумандаги мавжуд 18 та болалар боғчасига шартнома асосида сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Бундан ташқари, фермер ҳар йили ғалла экиб, юқори ҳосил олиб келаётир. Масалан, ўтган йил «Дўстликдон» ҳиссадорлик жамиятига шартномадан ортиқча 28,5 тонна ғалла топширди. Бироқ у ортиқча топширилган ғалланинг пулини олиш учун кўп югурди. Бу масала Жиззах вилоят хўжалик судида икки марта кўриб чиқилганига қарамай, масала ҳал бўлмади. Ниҳоят, Олий хўжалик суди бу ишга аралашгач, фермернинг ҳақи ундириб берилди.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди*

# ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?

Хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, қўшма корхоналар самарадорлигини ошириш ислоҳотлар барқарорлигининг бош омилидир.

Хоразмда чет эл сармояларини ишлаб чиқаришга киритиш истиқлолнинг дастлабки йилларида бошланган эди. «Хива гилами» ҳиссадорлик жамияти Германиянинг «Промотекс» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Хива-Карпед» қўшма корхонаси маҳсулотларининг тенг ярми хорижга чиқарилмоқда.

Йилига 2000 тонна пахта толасини қайта ишлаётган, замонавий технологик линияларга эга Гурлан тўқимачилик мажмуи, Ҳазораспдаги 43 минг тоннадан зиёд шакар ишлаб чиқараётган завод, йилига 800 минг жуфт пойабзал тайёрлаётган Ўзбекистон-Италия ҳамкорлигида қурилган «Даритал-лимитед» фабрикаси воҳанинг энг йирик саноат корхоналаридир.

Вилоятда 15 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси сарфланиб, 71 мингдан ортиқ рақамли телефон станцияси ишга туширилди ва юқори сифатли шиша толали кабеллар ўтказилди. Эндиликда телефон алоқаси етиб борган ҳар бир туман ва қишлоқдан туриб мамлакатнинг турли бурчаклари ҳатто чет элдаги абонентлар билан ҳам бемалол гаплашиш мумкин.

Янги йил арафасида Урганч туманида «Хоразм-Нуртон» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси иш бошлади. Англия, Италия, Германия давлатларидан келтирилган дастгоҳлар билан жиҳозланган йирик мажмуа йилига 2500 тонна пахтани қайта ишлаб, ип-калава тайёрлаш қувватига эга. Маҳсулот чет мамлакатларга экспорт қилинади. Корхонанинг фаолият бошлагани 100 нафардан ортиқ кишини иш билан таъминлаш имконини берди. Мустақиллик йилларида Туркия, Англия, Хитой, Германия, Италия каби ривожланган давлатларнинг фирмалари билан қўшма корхоналар ва енгил саноат мажмуалари барпо этилдики, бунинг натижасида етиштирилган хомашё қайта ишланиб, дунё бозорига рақобатбардош маҳсулотлар етказиб берилаяпти.

Дўстлик шаҳрида «Mersedes-Bens» фирмаси билан ҳамкорликда юк машиналари ва автопоездлар ишлаб чиқарилаётганлиги нафақат вилоят иқтисодиётини юксалтириш, балки республикада янгича инфратузилмани вужудга келтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун мустаҳкам замин яратади.

Мавжуд 33 та қўшма корхонадан 24 таси фаолият кўрсатаяпти. Тайёрланаётган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ошиб бормоқда. Хива туманидаги «Маверa-Пласт», Хонқа туманидаги «Хонқа-Шуя», Урганч шаҳридаги «Даритал» қўшма корхоналарида ишлар яхши йўлга қўйилган. Урганч шаҳридаги Арслон Қаландаров раҳбарлик қилаётган корхона ўтган йили 132 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, истеъмолчиларга 6 минг дона аккумулятор етказиб берди. Бу ерда янгитдан кадмий оксиди ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилиб, 15 та иш ўрни яратилди. Ҳазораспдаги «Хоразм-Шакар-инвест», Шоволдаги «Шовот-Мрамор», Хивадаги «Арқончи», «Карпед» корхоналари ҳам маҳсулот сифатини тобора ошириб бораётир.

Хорижий давлатлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш мамлакат халқ хўжалигига чет эл сармоясини, техника ва технологияларни олиб кириш, кадрларнинг билим савияси ва малакасини такомиллаштириш, энг асосийси мавжуд экспорт салоҳиятидан оқилона фойдаланган ҳолда жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш имкониятини яратади.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида алоҳида кўрсатиб ўтганларидек, бу масалада сусткашлик қилиб, чет эллик ҳамкорлар билан етарли даражада иш олиб бормаётган корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг борлиги айниқса, ташвишли ҳолдир.

Вилоятдаги 7 та қўшма корхонада экспорт ва импорт салмоғи пасайиб кетган. «Шамеш», «Ғайрат-Ҳумоюн», «Голд-Лото», «Алоқа-ДЭУ», «Узукрвел», «Подшипник», «Амерос-индустриас» қўшма корхоналари хомашё йўқлиги, молиявий етишмовчилик туфайли ишлаб чиқариш фаолиятини сусайтириб юборган.

Яна бир камчилик шуки, қўшма корхоналарда раҳбарият билан касаба уюшмалари ўртасида жамоа шартномалари тузилмаган. Бундан ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларни ижтимоий ҳимоялашга етарли эътибор берилмаяпти, кам таъминланган оилалар, кўп болали оналар, қариялар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилмаяпти, деган хулоса чиқариш мумкин.

Қўшма корхоналар — иқтисодиёт қудрати. Зеро, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш, меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш биринчи даражали вазифадир.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ислоҳот одимлари*

# БУЮРТМА РОССИЯ ВА УКРАИНАДАН

***Тошкент шаҳридаги очиқ турдаги «Маишийкимё» акциядорлик жамияти ишлаб чиқараётган кир ювиш воситаларининг сифати йилдан йилга яхшиланиб бораётир. Шу боис, корхонада ўтган йили 2 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларга экспорт қилинди. Яна бир яхши далил: корхонада ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши ўтган йили 40 минг сўмдан ортиб кетди...***

— Бу ютуқларнинг сири нимада? - дея мурожаат қилдик жамият раиси Ёндир Бобохоновга.

— Корхонамиз ташкил этилган биринчи кунларданоқ маҳсулотларни фақат намунавий, замон талабларига мос тарзда ишлаб чиқаришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, - деди у.

Суҳбат давомида раиснинг сўзларини исботловчи бир нарсани билиб олдик.

1986 йили Чернобил фожеаси юз берганида фалокат жойини радиация асоратларидан тозалаш учун ўта кучли восита яратиш зарурати туғилиб қолади. Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги ўнлаб кимё корхоналари бу ишнинг уддасидан чиқа олмадилар. Фақат Тошкент «Маишийкимё» корхонасигина ярата олди бу тозалагични. Ёндир Бобохонов ўша пайтлар мазкур корхонада директор ўринбосари бўлиб ишларди. У бир неча минг тонна маҳсулотни ўзи бош бўлиб, ХХ асрнинг энг катта фалокати юз берган жойга олиб борди ва бир ярим йил давомида тозалаш ишларида қатнашди. Пировардида Чернобил фалокати оқибатларини тугатиш давлат комиссияси раисининг махсус мукофотини олиб қайтди...

Ўшандан бери анча сувлар оқиб кетди. Замонлар ўзгарди. 1998 йилнинг декабр ойида корхона хусусийлаштирилиб, очиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантирилди. Акцияларнинг 25 фоизи давлат ихтиёрида қолди. Яна шунча миқдори хорижий инвесторлар учун ажратилди. 24 фоизи қимматбаҳо қоғозлар биржаси орқали очиқ сотувга чиқарилди.

Хорижий инвестор излаб топишни корхона раҳбарияти ўз зиммасига олди. Жами акцияларнинг чорак қисми тендер асосида давлат Мулк қўмитаси орқали чет эллик сармоядорларга 380 минг АҚШ долларига сотилди. Бу корхонани мустаҳкам оёққа турғазиш, уни қайта таъмирлаш учун моддий замин яратди. Орадан ўтган вақт мобайнида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун чет эл инвесторларининг 700 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармояси сарфланди.

Корхона ишлаб чиқараётган кир ювиш воситалари Москва ҳамда Киев шаҳарларида жойлашган махсус лабораторияларда жиддий синовдан ўтказилиб, хорижий давлатларга экспорт қилиш учун лицензиялар олинди.

Бу ерда айни кунларда бизнес режасини тузиш ишларига киришилган. Американинг «Эким» банки ҳамда «Асакабанк» билан келишилган ҳолда корхонани қайта таъмирлаб, унинг учун жаҳон андозаларига мос келадиган технологиялар сотиб олиш устида иш олиб бориляпти. Мазкур тадбирга йўналтириладиган жами инвестициялар миқдори 3 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Биз юқорида корхонанинг ишлаб чиқариш — иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида гапирдик. Лекин, ҳамма жойда меҳнат унумини, самарасини одамлар, жамоа, яъни меҳнат аҳли таъминлайди. Хўш, «Маишийкимё» корхонаси қўлга киритаётган ютуқларга асосан нималар сабаб бўлаётир?

— Бу саволга бир оғиз сўз билан «Ишчиларимиз учун яратилган қулай меҳнат шароитлари, улар тўғрисидаги кундалик ғамхўрлик» деб жавоб қайтаришимиз мумкин, - дейди акционерлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг раиси Комила Жўраева. - Корхонамизда 281 киши меҳнат қилади. Уларнинг 101 нафари хотин-қизлардир. Бизда ҳамма учун бирдай қулай меҳнат шароитлари яратилган. Ғамхўрлик ҳам ана шу даражада.

Жамоа аъзолари билан яқиндан танишиб, суҳбатлашгач, Комила Жўраеванинг гапларида асло муболаға йўқ эканлигига амин бўлдик. Келинг, шу ўринда мисолларга мурожаат қилайлик. Корхонада 32 йил меҳнат қилган аппаратчи Нина Иванова ҳамда 20 йилдан бери узлуксиз ишлаётган муҳандис Қизигул Керимова оғир хасталикка чалиниб қолдилар, иккаласи ҳам мураккаб операцияга ётқизилди. Касаба уюшмаси ташаббуси билан бу аёлларнинг операция чиқимларини корхона ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, улар соғайиб чиқишгач, пойтахтимиздаги энг яхши санаторийларга йўлланмалар берилди. Меҳнат фахрийлари Турсунбой Мақсудов, Марҳабо Дадаева, Умида Абдуваҳобовалар ҳам соғлиқлари бироз заифлашгач, корхона раҳбарияти ҳамда касаба уюшмасига бир оғиз илтимос билан мурожаат қилишгач, кераклли ёрдамни олдилар.

— Шу кунларда икки нафар ишчимиз ҳамда ўн бир нафар ишчиларимизнинг фарзандлари олий ўқув юртларида шартнома асосида таълим олаётир - давом этади касаба уюшма қўмитаси раиси. - Уларнинг барча шартнома харажатларини корхонамиз ўз зиммасига олган.

Ҳа, рағбатдан, муруввату саховатдан одамийлик дарёси вужудга келади. Корхонада 13 нафар биринчи гуруҳ ногиронлари ҳамда ёлғиз қариялар бор. Улар алоҳида ёрдам кўрсатиш рўйхатидан жой олган.

Энди мана бу рақамларга аҳамият беринг: уч ёшгача фарзанди бўлган оналарга корхона ҳисобидан ой сайин 3600 сўмдан ёрдам пули берилади. Яқин қариндоши вафот қилган ишчи-хизматчилар энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида ёрдам пули оладилар. Ҳар бир ишчи-хизматчи меҳнат таътилига чиқар пайтида бир ойлик маоши миқдорида кўмак пули билан тақдирланади. Фарзандларини уйлантираётган, қиз чиқараётганлар, шунингдек, фарзанд кўрганлар ҳам маълум миқдорда ёрдам пули ҳамда иш ҳақи тўланадиган бир неча кунлик таътилга эга бўладилар.

Корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси ташаббусига кўра ўтган йили 2-ТошМИ билан шартлашилган ҳолда жамоанинг барча ишчи-хизматчилари жиддий равишда тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий ёрдамга муҳтожлар шу ернинг ўзидаёқ юқори малакали мутахассислар кўмагида даволаниб чиқишди.

Аёлларнинг ўзига хос жисмоний хусусиятлари инобатга олинган ҳолда улар учун ойнинг бир кунида иш ҳақи тўланадиган дам олиш куни берилади.

Корхонада, бундан ташқари, 10, 20, 30 йил узлуксиз ишлаган ишчи-хизматчиларни турли хил қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирлаш одат тусига кирган. Жамоанинг барча аъзоларига ҳар йили 1 сентябр арафасида фарзандларига китоблар ва ўқув қуроллари сотиб олиш учун ёрдам пули тарқатилади.

Яна бир нарса ҳақида айтиб ўтмоқ керак: қайсики бирон-бир тадбирда (Янги йил, Наврўз байрами ва ҳоказо) ишчи-хизматчиларга нима тарқатилса, шу ерда ишлаб, оламдан ўтган кишиларнинг оилаларига ҳам айнан шу нарсалар олиб бориб берилади.

Бу хайрли тадбирларнинг барчаси кўпчилик билан маслаҳатлашилган ҳолда, аниқроғи, Мухторжон Раҳимов раислик қиладиган Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг амалга оширилади.

— Мана шундай шарт-шароитлар яратилган жойда, шунча ғамхўрликни кўриб, бутун куч-ғайратни сарфламай ишламасликнинг қандай иложи бор? - деди биз билан суҳбатда корхонанинг кекса ишчиларидан бири. Унинг гапларига қўшилмасдан илож йўқ эди.

**Қодиржон СОБИРОВ, «Ишонч» мухбири.**





Риштон туманидаги очиқ турдаги йигирув-тўқув фабрикаси акциядорлик жамияти ўтган йили 1,5 миллиард сўмлик хом сурп ва ип калава ишлаб чиқарган эди.

Корхона ишчилари бу йил ишлаб чиқариш суръатини 2,5 миллиард сўмга етказишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Сифатли ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар мамлакатимиз саноат корхоналарига етказиб берилмоқда. Айни пайтда бу ерда 2300 нафар ишчи ва хизматчи икки сменада меҳнат қилмоқда.

**Суратларда: моҳир ишчи Тўхтахон Ҳайдарова; цех бошлиғи Раъно Аҳмедова (ўртада) ўз касбининг усталари билан янги маҳсулот тури хусусида фикрлашмоқда.**

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

### ХОРИЖ САРМОЯСИ ҲИСОБИГА

Сариосиёда "Пахта" ҳиссадорлик жамияти ўтган йили 17 минг тонна пахта қабул қилганди. Бугунги кунда мазкур хомашёдан тайёрланган тола Америка, Италия, Англия, Россия давлатларига экспорт қилинмоқда. Ҳозиргача корхонада тўрт минг тоннага яқин тола ишлаб чиқарилди.

Хорижликлар билан ҳамкорлик қилиш, чет эл сармояларини жалб этиш эвазига корхонанинг имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда. Масалан, Италиянинг "Технотекст" фирмаси билан ҳамкорликда қурилаётган қўшма корхона ишга тушгач, шу ернинг ўзида пахтани қайта ишлашдан ташқари, халқ истеъмоли учун ёғ, совун, шрот, омухта ем ва бошқа маҳсулотлар аҳолига сотилади.

Корхона раҳбар-мутахассислари хорижлик сармоядорлар билан яна бир хайрли иш устида бош қотиришмоқда. Яқинда корхона қошида янги тўқув фабрикаси қурилишига пойдевор қўйилди. Унинг келгуси йил охирида ишга тушириш мўлжалланаяпти. Муҳими, 1,5 минг киши учун ишчи ўринлари пайдо бўлади.

# Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

**ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА**

**САВОЛ: ёшим 50 да. Тиббиёт соҳасида 32 йил ишладим. 1980 йилдан 1990 йилга қадар 10 йил тиббиёт ҳисобчиси бўлиб ишлаганман. Лекин бу давр имтиёзли пенсияга чиқиш учун тиббий стажга кирмас экан. Шу тўғрими?**

**Майсара ЭСАНОВА, Қизилтепа тумани.**

**ЖАВОБ:** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси «Л» бандига мувофиқ шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар махсус иш стажи қишлоқ жойида камида 25 йил ва шаҳарларда эса камида 30 йил бўлган тақдирда эркаклар 60 ёш, аёллар эса 50 ёшдан имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон Қарори билан тасдиқланган имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхат VIII-қисмида тиббий ҳисобчи лавозими назарда тутилмаган.

Шуни айтиш жоизки, Сиз тиббий ҳисобчи бўлиб ишлаганингизда маъмурий ва хўжалик ишлари билан банд бўлгансиз, бу даврлар эса имтиёзли пенсия ҳуқуқидан фойдаланиш учун асос бўлолмайди.

Шунингдек, 0,5 ставка ўриндошлик асосида эпидемиолог врач ёрдамчиси бўлиб ишлаган даврингиз ҳам имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини бермайди. Сабаби, ходим юқорида қайд этиб ўтилган рўйхатда кўрсатилган лавозимларда фақат тўлиқ иш куни (бир ставка) давомида ишлаган тақдирдагина шу имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

**САВОЛ: 2001 йил 7 июнда нафақа ёшига етиб, 43 йиллик иш стажим билан пенсияга чиқдим. Менинг ўртача ойлик маошим 21232 сўмга тўғри келса-да, менга 17150 сўм иш ҳақидан келиб чиқиб 12519 сўм 50 тийин миқдорида пенсия тайинлашди. Шу боис ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш тартиби ҳақида тушунча берсангиз.**

**А.АБДУРАҲМОНОВ, Ўзбекистон тумани, Яккатут қишлоғи.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 31-моддасида ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби белгиланган. Унга кўра пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, бутун ҳаёти давомидаги меҳнат фаолиятининг исталган кетма-кет келган беш йилликдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) ҳақиқий ўртача ойлик иш ҳақи олинади. Ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишлаган олтмиш календар ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига қараб, ишга кириш ёки ишдан бўшаш муносабати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар ҳамда тўлиқ ва ишлаган календар ойлар ҳисобга олинади.

Шунингдек, пенсия сўраб мурожаат этган киши беш йилдан оз вақт ишлаган ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақи ишланган календар ойларидаги иш ҳақининг умумий миқдорини шу ойлар сонига бўлиш йўли билан ҳам аниқланади.

Юқорида айтиб ўтилган модданинг бешинчи хат бошида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг етти ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади, дейилган. Шу нуқтаи назардан айтиш жоизки, агар пенсия сўраб мурожаат этаётган шахснинг пенсияси ҳисоблаб чиқарилганда, унинг ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасидан кам бўлса тўлиқ ҳажмда, агар ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасидан кўп бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасигача олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 29-июндаги 293-сонли «2001 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақи 3430 сўм қилиб белгиланди.

Энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссаси (3430х7=24010х73 фоиз=17527,30=24010) сўмни, иш стажингиз бўйича 73 фоизи олиниб, сизга пенсия тайинланиши керак.

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ — УМР ФОЙДАСИ

***Вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига эътиборни кучайтириб, аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Бу ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Бироқ, ўтган йил таҳлили шуни кўрсатдики, ҳали меҳнат муҳофазаси масаласида қатор камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.***

***Қуйида шулар хусусида гап боради.***

Ўтган йили ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар аввалги йилга нисбатан 25 фоизга, оғир тан жароҳатлари олиш ҳолатлари эса 50 фоизга камайди. Бироқ шуни таассуф билан айтиш мумкинки, ҳали бундай нохуш ҳолатларга бутунлай барҳам берилмаяпти. 5 та бахтсиз ҳодисадан 3 таси ўлим билан, 2 таси оғир тан жароҳати билан тугади. Жумладан, Қизилтепа туманидаги Темур Малик номли ҳиссадорлик жамиятининг бетончиси Абдулла Намозов эҳтиётсизлик оқибатида чуқурликка қулаб тушиб дунёдан кўз юмди. Навоий пахта тозалаш заводининг ишчиси Дилшод Хотиев эса корхона устаси томонидан берилган топшириқни бажариш пайтида иш жойида йўриқнома билан таниш бўлмаганлиги сабабли циклон карданига ўралиб вафот этди. Шунингдек, Ўртачўл массивидаги «Давлат-2000» фермер хўжалиги бошлиғи Усмон Ҳайдаров эҳтиётсизлик оқибатида жароҳат олди.

Бўлиб ўтган воқеаларнинг барчаси меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги қонунларига риоя қилмаслик, етарли йўриқномалар берилмаганлиги, раҳбар ходимларнинг ўз вазифаларига ўта совуққонлик билан қараши оқибатида содир бўлди, дейиш мумкин. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан ўтказилган текшириш натижалари прокуратура органларига берилди. Шу жумладан, Навоий пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти иш юритувчиси Жамшид Обидов, Навбаҳор туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги агрономи Х.Муродовлар вазифаларидан озод этилдилар. Бундан ташқари, Навоий пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бош механиги Турдиев йўл қўйган хато ва камчиликлари учун бир ойлик маошидан 40 фоиз жарима тўлади.

Вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси техник нозири томонидан Қоракўл ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Учқудуқ, Томди туманларидаги ширкат хўжаликларидаги чўпон-чўлиқларга яратилган шарт-шароитлар ўрганиб чиқилганда, зарарли ишда ишловчиларга сут берилмагани, трактор саройларида етарли шароит йўқлиги, пайвандлаш агрегатлари очиқ ҳолатда ётганлиги, меҳнат қонунчилиги бўйича шартномалар тузилмаганлиги, ички меҳнат тартиб-қоидалари тузилмаганлиги аниқланди ва бу ишда айбдор деб топилган 10 нафар киши жаримага тортилди.

Ҳисобот йилида меҳнат нозирлиги томонидан Учқудуқ туманидаги «Бухантау» ширкат хўжалиги электр пайвандлаш аппарати, темирчилик цехи, Навбаҳор туманидаги «Наврўз» ширкат хўжалиги пайвандлаш агрегати, «Гигант» ширкат хўжалиги автосаройи мотор цехи фаолияти техника хавфсизлиги қоидалари бузилгани учун вақтинча тўхтатилди.

Ўтган йили вилоят қўмитасига қарашли корхона, ташкилот, хўжаликларда ишловчи 91478 кишига меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадида режадаги 101 миллион сўм ўрнига 105 миллион сўм сарфланган. Бу аввалги йилга нисбатан 12 фоизга кўп.

Жорий йилда ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги намунали ишлар давом эттирилиб, жамоа шартномаларига биринчи галдаги вазифа сифатида киритилди.

**Чори ҚОДИРОВ, Навоий вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси бош меҳнат техник нозири.**

**Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.**

# ИНСОН ҚАДРИ БАЛАНД

Қайси бир корхонада ишчи-хизматчилар ижтимоий муҳофазаси кўнгилдагидек йўлга қўйилган бўлса, инсоннинг қадри баланд тутилса, ишлашнинг завқи, баракаси бўлади, - деди "Термизпахта" ҳиссадорлик жамияти бошланғич касаба уюшмаси раиси Ҳанифа Бердиева "Туркистон-пресс" мухбирига. – Корхонамизда 500 нафарга яқин ишчи хизмат қилади. Иш уч сменада ташкил этилган. 80 ўринли ошхонамиз кечаси-ю кундузи ишлаб турибди. У ерда тушки, кечки ва тунги таомлар тайёрланади. Ишчиларга уч маҳал бепул иссиқ овқат, сут берилади.

Ишчининг қадри баланд кўтарилаётганлиги боис ҳам кадрлар қўнимсизлиги муаммоси ўз ечимини топган. Бизда ойлик маошларни "судраб" юриш деган гап йўқ. Ўтган йилнинг сентябр ойидан буён ишчиларнинг ҳар бирига 40 литрдан пахта ёғи тарқатилди. Қурбон ҳайити муносабати билан 10 литрдан ёғ, 8 минг сўмдан мукофот берилди. Меҳнати рағбатлантирилган ҳар бир ишчи-ходим корхонада ихлос, ҳалоллик билан ишлайди-да.

Ҳ.Бердиеванинг айтишича, корхонада яна бир юмуш йўлга қўйилган: Ҳаёт шундайки, кимдир хасталаниб қолади ёки бошига мусибат тушади. Бундай кишилар тақдир ҳукмига ташлаб қўйилмайди. Инсонни у ёки бу муносабат билан муттасил рағбатлантириб бориш керак. Шундагина у тўла қувват билан ишлайди. Янги йил муносабати билан ишчи ходимларга ва бошқа муҳтожларга уч миллион сўмликдан кўпроқ совға-салом улашилди. Заводда ишлаб кетган ногиронлар, пенсионерлар ҳам унутилмади. 15 нафар ногиронга беш литрдан ёғ берилди. Қарияларни қадрлаш йили ҳамда хотин-қизлар байрами муносабати билан корхонада узоқ йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиққан 69 нафар онахонни байрам куни бир пиёла чойга таклиф этиб, ҳар бирларига совға-саломлар улашилади.

Завод оталиқ ташкилоти сифатида ҳам қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Чунончи, Термиз шаҳридаги 10-ўрта мактабни таъмирдан чиқариб берилди.

# НУРОНИЙ ЖАВОБ КУТАДИ

Бундан 19 йил муқаддам Йўлдошбой Далиев Қўрғонтепа туман «Агроқурилиштаъмирлаш» жамоа корхонасида дурадгор бўлиб ишларди. Ўз вазифасига чуқур масъулият билан қарайдиган устани жамоа раҳбарияти, барча ҳамкасблари ниҳоятда ҳурмат қилишарди.

1983 йилнинг 21 январ куни у бахтсизликка учради. Станокдан чиққан ёғоч парчаси кўзини шикастлади. Шифохонада даволанди, лекин кўзнинг кўриш қобилиятини тиклашнинг имкони бўлмади. 1994 йилгача учинчи гуруҳ ногирони сифатида нафақа олиб юрди. Кейинги йили соғлиғи ёмонлашгани муносабати билан унга муддатсиз иккинчи гуруҳ ногиронлигини беришди.

Бир омад кетса, кетаверар экан. Шу орада у ишлаган корхона ҳам иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолди. Андижон вилоят хўжалик судининг 2000 йил 28 февралдаги қарори билан «Агроқурилиштаъмирлаш» жамоа корхонаси банкрот деб топилди. Шу кундан эътиборан Й.Далиевнинг ногиронлиги учун тўланаётган нафақа ҳам тўхтади.

Йўлдошбой ака судга мурожаат қилди, уни корхонани тугатиш комиссияси раиси А.Норқўзиевга йўллашди. Ногирон ўз навбатида масалани ҳал этишни сўраб, туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи М.Тожибоевага хат йўллади. Орадан бир ой ўтгач, бўлимдан жавоб хати келди. Унда бу масалани унинг ўзи раис бўлган тугатиш комиссиясининг тегишли қарори билан ҳал этиш мумкинлиги билдирилганди. Аммо шундан кейин ҳам А.Норқўзиевдан ҳеч қандай хабар бўлмади.

— Югур-югурлардан тоқати-тоқ бўлган Й.Далиев Меҳнат вазирлигининг Андижон вилояти меҳнат-техника инспекциясига мурожаат қилди. 2000 йил 11 июлда ана шу инспекция бош инспектори А.Комилов имзоси билан яна ўша «Агроқурилиштаъмирлаш» жамоа корхонасини тугатиш комиссияси раиси А.Норқўзиевга: Ушбу масала «зудлик билан белгиланган тартибда ва амалдаги қонун-қоидалар асосида ҳал этилиши керак, деб ҳисоблайман» деган мазмунда мактуб юборилди...

*Орзули дунё*

Ўшандан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Отанинг сўнгги умиди бўлган меҳнат-техника инспекциясига ёзган хатига ҳам бир ярим йилдан ошди. Аммо... Қўрғонтепа шаҳар, 136-уйда яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Й.Далиев ҳар куни эшик тақиллашини кутади.

Таъкидланганидек, унинг мушкулини осон этиш учун имконият бор. Бунинг учун баъзи кишиларнинг эътибори, инсон тақдирига масъулият билан ёндошиши талаб этилади холос.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ, журналист.**

# БАХТИМ ШУЛ — ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН

*Бу оқшом пориллар дил нурингизда.*
*Дийдор бахти насиб яна сиз билан.*
*Турибман, азизлар, ҳузурингизда*
*Ҳамон ўтлуғ кўнгил, ёруғ юз билан.*

*Ҳамон мулкимдаги сийму зарим шеър,*
*Сочимда, чеҳрамда йиллардан нишон.*
*Саждагоҳим танҳо Ватан, Она ер,*
*Орзуларим карвон, сарбоним ишонч!*

*... Номлари, ёдлари пайғамбар монанд,*
*Ҳазрат устозларим, теран илдизлар.*
*Мен ундан жон олиб кўкарган дарахт.*
*Меваси — қалбимда етилган сўзлар...*

*Ҳикматлар баҳрида дур, марваридим,*
*Аждодларим — менга ифтихор, ғурур.*
*Шу мавжлардан томган нуқра умидим,*
*Шоира қизларим бахш этган сурур.*

*Ўзинг бергандинг-ку, поклик, ҳалоллик,*
*Иймону ишончлар — бутун, беиллат,*
*Қилолмас эди-ку шайтон даллоллик,*
*Илму ҳикматларга ёр эди миллат...*

*Бу назм боғига киролмас хазон,*
*Бизни маҳв этолмас завол лашкари.*
*Мен кетсам мунғаймас ўрним ҳеч қачон,*
*Бу боғлар... Бир боғлар бўлади ҳали...*

*Ҳамон эътиқодим ҳақиқат, ҳақдир,*
*Сўзлайман юзимни тутиб каъбага.*
*Емира олмади ўткинчи тақдир,*
*Осуда ўтади руҳим абадга.*

*Эъзозлар,*
*Ардоғлар учун ташаккур,*
*Асли сиз офтобим,*
*мен зиёсиман.*
*Тонгларингиз кулсин дориломон, ҳур,*
*Бахтим шул — Ўзбекнинг* ***ЗУЛФИЯСИМАН.***



# САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Ўйлаб кўрсам, бу кун матбуотда фаол ижод қилиб турган қаламкаш аёлларнинг кўпини ардоқли устоз Зулфия кашф этганлар. Тошкентдан Холида Аҳророва, Дилбар Маҳмудова, Раҳима Шомансуровани, Бухородан Ойдин Ҳожиевани, Марғилондан Муҳтарама Улуғовани, Самарқанддан Дилбар Саидовани, Қорақалпоғистондан Раъно Раҳмон қизини, Фарғонадан каминани... Зулфия кашф этган шоираларнинг-ку саноғи йўқ.

«Саодат» журналига бизлар юборган битта мақолами, тўрт сатр шеърми, Зулфия опа назаридан четда қолган эмас. Синчков ўқиб, биринчи қаламидан, биринчи сўзидан билиб олардилар, унинг «одам» бўлиш-бўлмаслигини. Ҳафсала билан хатлар ёзардилар, қаламни чархлашни, кўп ўқишни тайинлаб, «Саодат»га қатнашиб туришни лутфан таклиф қилардилар. Эҳ, бу хатлар бизга қанот берган, вужудимизни эркалаган. Кўзимизни каттароқ очишга, дадил қадам қўйишга, рост, ҳалол ёзишга, илдамроқ бўлишга даъват этган. Кейин... Кейин эса ёзганларимиз маъқул бўлиб, «Саодат»да ишлашга чорлаганлар.

Зулфия опа билан ёнма-ён ишлашнинг ўзи бир бахт эди. Меҳмон келса, бизни шунчалар мақтаб, ардоқлаб таништирардиларки, нақ осмонларда учиб юрардик. Ва ўша мақтовларга лойиқ, муносиб бўлишга бор вужудимиз билан интилардик. Хато қилсак, юзаки мақола ёзсак, бугунги ишни эртага қўйсак, бир ўзимизни хоналарига чақириб, эшикларни ёпиб қўйиб, рўпараларига ўтказгач, кўзларида, овозларида изтироб билан ва барибир меҳр билан куйиниб, хўп таъзиримизни берардилар. Ер ёрилса-ю, кириб кетсак, дердик. Кейин ёзганларимизни қайта ишлашимиз учун эркин фикр, ҳайратли йўлланма берардиларки, ухлаб ётган томирларимиз ҳам уйғониб кетарди.

Устоз ҳеч қачон бизни бировнинг олдида коймаганлар. Шунинг учун биз қаддимизни тик тутиб яшадик, озми-кўпми ҳурмат, эътибор топдик. Жамоада ҳам ўз ўрнимиз, ўз сўзимизга эга бўлдик. Зулфия опа доим янги мавзу айтиб, бизни ижодий сафарларга жўнатар эканлар, тўғри юришни, ҳалолу пок бўлишни, ҳаётни пухта, жиддий ўрганишни қаттиқ тайинлардилар. Ҳа, ҳар гал ёнларига ўтказиб, йўлда, бегона жойларда камсуқум, камтар бўлишни худди онамиздек ўргатиб, қулоғимизга қуйиб қўярдилар.

— Одамлар қалбини, дардини шошмай ўрганинг, - дердилар Зулфия опа, - ёнига бориб, ишини кузатинг. Манзара, воқеаларга эътибор беринг. Кўпроқ ўқинг. Юракдаги ўтни аланга олдиринг. Ўқиб, ўрганмасдан яхши нарса ёзиб бўлмайди. Созанда куй чалишдан олдин обдон дуторини созлагани каби сизлар ҳам ёзишдан олдин обдон ўйланг, ўқинг, ўзингизни созлаб олинг!

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Машҳур паррандабоқар Саломат Сайдалиева ҳақида журналга ёзишим керак эди. У Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ этакларига жойлашган паррандачилик бирлашмасида оператор. Кун совуқ, қор ёғаяпти.

— Таҳририятга чақира қолинг, шу ерда суратга олдириб, гаплашиб оласиз, - деб меҳрибонлик қилди касбдошим. Ишим осон кўчди, деб, қанча телефонбозликдан сўнг мақсадга етиб, идорамизда Сайдалиева билан суҳбатлашдим.

Зулфия опа сафарда эдилар. Келиб, сўрадилар.

— Бориб келдингизми? Ишлари яхшими? Ибрат қилиб кўрсатса арзигулик хўжаликми?

— Йўқ. Шу ерга чақириб...

— Бунақа ишга ўрганманг. Бормасдан, кўрмасдан, билмасдан нимани ёзасиз?

Аввалига «Паррандачилик фермасида ниманиям кўрардим, товуқларними?» деган хаёлга бордим. Лекин эртасига совуқда қийналиб, узоқ йўл босиб етиб боргач, Саломат опанинг ўттиз минг товуқ боқилаётган улкан цехда — пульт ёнида чаққонлик ва моҳирлик билан ишлаётганини кўргач, у билан ёнма-ён меҳнат қилаётган гўзал, лобар қизи Инобатхон ва унинг сулув келини Жумагул билан, шўх-шодон ҳамкасблари билан суҳбатлашгач, бутунлай бошқача тасаввурга эга бўлдим. Ҳаяжон ва илҳом билан «Гўзал тақдирлар ҳақида қўшиқ» номли очерк ёздим.

Ҳа, устоз лоқайдликни, ёлғонни ёмон кўрардилар. Юракдан ишлаганни, рост гап айтганни бағриларига босиб, суярдилар. Фарзанд кўрсак, тўйлар қилсак, туғилган кунларимизда Зулфия опа катта бошини кичик қилиб, шунчалар атоқли бўла туриб, оддий ходимлар уйига йўқлаб борардилар. Уйларимизни тўлдириб, яйраб ўлтирардилар...

Журнал 1950-1966 йиллари «Ўзбекистон хотин-қизлари» номи билан нашр этиларди.

— Қани энди журналимизнинг номи ҳам чиройли, жарангдор бўлса, - дедилар бир куни. - Қизлар, қани ўйлаб кўринглар-чи?! Бир сўз билан ифода этилса-ю, унда журналнинг мақсади, йўналиши, республикамиз хотин-қизларининг орзу-истаклари ўз аксини топса...

Кўп номларни ўйладик, айтдик. Барибир Зулфия опа яна ғолиб келдилар.

— «Саодат» деб атасак-чи? Биринчидан, бу жуда кўп қизлару аёлларнинг исми, иккинчидан, аёл зоти борки бахт-саодатнинг чегараси бўлмайди. Хотин-қизларимиз саодатли бўлсин! Ҳар бир журнал хонадонларга ўзи билан саодатлар олиб кирсин. Журналимизнинг ғояси ҳам шу... - дедилар.

*Ўзинг ташна этдинг, ўзинг сув тутдинг,*
*Қалбимдаги саҳром, дарёмсан, халқим!*
*Сени сева-сева мен бойиб кетдим,*
*Дунё ичра топган дунёмсан, халқим!*

Дилбару доноликни қаранг. Ўз халқига бўлган оташин севгини қаранг! Ҳа, ҳаётининг мазмунини яшаш, яратиш, ўз халқининг бахти ва орзусини авж пардаларда куйлаш, деб билган гўзал шоирамизни нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон аҳли ўз қизидек севиб ардоқлади. Зулфия опанинг қирғиз ва қозоқ юртида ҳам, бошқирд элию Ҳиндистону Арабистонда ҳам ҳамма жойда дўстлари, мухлислари бор эди. Шунинг учун Чингиз Айтматов «Зулфия фақат ўз шеърида гавдаланган тўла-тўкис аёл тимсолигина эмас, балки у мукаммал шахсдир», дейди тан бериб. Бошқирд ёзувчиси Мустай Карим эса «Зулфия ва шеърият, Зулфия ва қўшиқ — бу сўзларни бирбиридан ажратиб бўлмайди», дейди. Академик шоир Ғафур Ғулом эса «Зулфиябегимга» (1957 йил) ёзган шеърида:

***Увайсий, Нодира, Зебуннисо, Меҳри***
***Махсатийлар***
***Тузатган анжуманнинг машъалидир фикри***
***мумтозинг,***

деб улуғлайди.

Биз шогирдлар эса вафо ва садоқат тимсоли бўлган, ҳаёт синовларига бир умр қаддини тик тутиб, кўксини қалқон қилган буюк устозимизни аччиқ армонларидан ширин орзулар ярата олган буюк инсон деймиз.

Опамиз муборак 80 ёшга тўлганларида ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов йўллаган табрикномада жумладан шундай сатрлар бор: «Жаҳон минбарларида янграган шеърларингиз — Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолидан ноёб нишонадир. Сиз латиф ижодингиз билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бердингиз».

Хуллас, ўз шоирасини чексиз севган халқнинг, биз шогирдларнинг Зулфия ҳақида айтар сўзимиз ҳеч қачон тугамайди, тугамаслиги ҳам керак!

**Санъат МАҲМУДОВА.**

# ДЕНОВДА — САМАРҚАНД НОНИ



Қадимий ва навқирон шаҳар — Самарқандга йўлингиз тушса, ҳамма нарсани унутсангиз ҳам нон харид қилишни фаромуш этмайсиз. Негаки жийдадай қизариб пишган, хуштаъмлиги билан ажралиб турувчи бундай нон бошқа жойда учрамайди. Мағзининг қалинлигига қарамай бир текисда сингиб пишганини кўриб беихтиёр ҳайратга тушасиз, новвойлар меҳнатига тасаннолар айтасиз. Хўш, бундай нонларни фақат Самарқандда тайёрлаш мумкинми?

Кўпдан буён новвойларни ўйлантириб келаётган бу муаммо ўз ечимини топди. Бу ғаройиб воқеага гувоҳлик қилиш биринчи бўлиб деновликларга насиб этди.

Қандай қилиб дейсизми? Яқинда Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида бўлганимизда Садриддин Раҳмонов хуштаъмлиги билан эл назарини тортган Самарқанд нони тайёрлаш технологиясини ўзлаштириб олганлигига ўзимиз шоҳид бўлдик. Шаҳарнинг «Деҳқон бозори» ҳудудида жойлашган «Бибиҳувайдо» хусусий корхонасида фаолият кўрсатаётган новвойлар бугун ана шундай ширмой нон пиширишмоқда.

— Ўн беш йилдан буён новвойлик қиламан, — дейди Садриддин. — Ҳар гал Самарқандга борганимда нон олиб қайтаман ва ҳар гал хаёлимдан наҳотки бизда ҳам ана шундай нонларни тайёрлашни имкони бўлмаса? — деган ўй ўтарди. Худога шукр, бугунги кунда Замира Низомиддинова раҳбарлик қилаётган хусусий корхона қошида ана шундай нон ишлаб чиқармоқдамиз.

Садриддин Раҳмонов ҳар куни Рустам Беков, Азимбек Бобомуродов сингари шогирдлари билан 450-500 дона маззали нон пиширмоқда. Шаҳарнинг «Регистон» кўчасидаги чорраҳада жойлашган новвойхона доимо одамлар билан гавжум. Ҳамма Садриддин пиширган нондан олсам, дейди. Бундан ташқари «Бибиҳувайдо» қошида миллий чойхона, сомсахона очилган бўлиб, бу ерда асосан миллий таомлар тайёрланади. Энг муҳими, республикамиз пойтахти ва вилоятларига автомобиллар ҳам худди шу ердан йўлга чиқади.

Дарвоқе, фирмада меҳнат қилаётган 30 нафар ишчининг баракали меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратилган. Иш ҳақи 20-25 минг сўмни ташкил этмоқда.

Йўлингиз Деновга тушиб қолса, албатта «Самарқанд нони»дан татиб кўринг. Шунда новвойларнинг меҳнатига ўзингиз баҳо берасиз.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Суратда: новвой Садриддин Раҳмонов тайёрлаган «Самарқанд нонлари».**

## БЕБАҲО МЕРОС

Ўзбек халқ миллий мусиқа чолғу асбоблари ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Ана шу меросни ўрганиш ва тадқиқ қилишда Тошкент Давлат Консерваторияси олимлари ҳам самарали изланишлар олиб бормоқда. Олий мусиқа мактабининг Ўзбек халқ мусиқа чолғу асбоблари кафедраси ўз тадқиқотлари асосида қатор китобларни босмага тайёрлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, моҳир созанда ва уста чангчи Аҳмад Одилов ижодиётига бағишланган нашр китобхонларга тақдим этилди. Консерваториянинг профессори А. Одиловнинг Ўзбек халқ миллий мусиқа чолғу асбобларига бағишлаб олиб борган изланишлари ҳам ушбу тўпламдан ўрин олди. Мазкур янги нашрда нота намуналари ҳам ёритилган.

## АНТАЛИДА ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ

Бу сафарги халқаро театр фестивали Антали шаҳрида бўлиб ўтади. Гўзал шаҳарнинг машҳур «Аспендес» ёзги театрида уюштирилаётган бу санъат байрамига Ўзбекистон санъаткорлари ҳам таклиф этилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри эса шу йирик ижодий кўрикда қатнашиб, «Оққуш кўли» балетини намойиш қилади. Ҳозир мазкур спектаклнинг янги саҳнавий талқини устида жиддий иш олиб борилмоқда. Унда истеъдодли ёш раққосалар ҳам қатнашади.

**А. АЛИЕВ.**

***Республика Ёзувчилар уюшмасида “Болалар адабиёти” кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши ўтказилди.***

# БОЛАЛАР АДАБИЁТИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

- Жанрлар ичида энг мураккаби бу болалар адабиётидир, - деди кенгаш раиси Носир Фозилов “Туркистон-пресс” мухбирига. - Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимиздаги сиёсий тизим бутунлай ўзгарди. Уни болаларга тарғибот қилиш вазифаси эса биз ёзувчилар зиммасидаги масъулиятдир. Давр адибларимиздан замонамиз қаҳрамони қиёфасини яратишни талаб этмоқда. Чунки болаларимиз ундан мардлик, жасурлик, ватанпарварлик каби ижобий хислатларни ўргансинлар. Болаларимизга Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”, Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” каби асарлар керак. Бу эса ёзувчидан эътибор ва маҳоратни талаб қилади. Болалар адабиёти она алласидан кейинги ўринда турувчи жанрдир. Она алласидан кўзи очилган гўдак шеърларимиз, эртакларимиз, достонларимиз билан ҳаёт йўлига қадам ташлайди. Уни руҳан тетик ва теран фикр соҳиби қилиб тарбиялаш бизнинг ижодимизга боғлиқ.

- Китоб нашрлари камайган бир пайтда болалар адабиётини тарғиб ва ташвиқ қилишда газета ва журналларнинг роли муҳим, - деди йиғилишда сўзга чиққан адабиётшунос Кавсар Турдиева. - Назаримда газета ва журналларда болалар адабиётининг сара асарларини танлаб чоп этиш мунтазам йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққанлар, нашрга тайёрланган бошланғич синф дарсликлари кенгашда муҳокама қилинса дарсликлар муаммоси ҳал бўлишини таъкидлашди.

# ҚИШЛОҚ ШИФОКОРИ

*Эл ардоғи*

Ранги докадек оқариб кетган етти ёшлардаги болани кўтариб, жон ҳолатда югуриб келган киши:

—Доктор ака! Ёрдам беринг. Ҳамма умид сиздан,- дея қўлидаги болани столга ётқизди-ю, бирдан йиғлаб юборди.

Рўй берган воқеадан хабар топган шифокор зудлик билан муолажага киришди. Сал ўтмай нафас йўлларига тиқилган сувлар отилиб чиқди, сўнг боланинг юрак уриши тикланиб, нафас ола бошлади; клиник ўлим ҳолати чекиниб, у ҳаётга қайтди. Врач Шавкат Алиевнинг иш фаолиятида бундай ҳодисалар кўп бўлган. Унинг шифобахш қўлларидан қанчадан-қанча болалар шифо топган. Албатта, тажриба ўз-ўзидан келмайди, узоқ йиллик машаққат ва заҳматлар эвазига қўлга киритилади у. Шавкат Алиев Оққўрғон туманидаги Акмал Икромов номли хўжаликда қишлоқ врачлик амбулаторияси мудири бўлиб иш бошлагунча анча йўлни босиб ўтди. Институтни тугатгач, Тошкент шаҳрида суд медицина экспертизаси кафедрасида ишлади, Жиззах ва пойтахт вилоятида фаолият кўрсатди. Шу тариқа назарий билимлари ҳаётий тажрибалар билан уйғунлашиб борди.

Маълумки, қишлоқ аҳолиси унча-бунча касалликка аҳамият бермай, хасталикни оёқда ўтказади. Лекин ҳамма касаллик ҳам асоратсиз тузалавермайди. Қишлоқ врачи шуни эътиборга олиб, ҳудуддаги 3600 нафар аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиб, тез-тез хонадонларда бўлишни одатга айлантирган. Унинг бевосита елиб-югуриши билан беш йил ичида амбулаториянинг янги биноси ишга тушиб, замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди,аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш юксак даражага кўтарилди.

Бу эзгу ишлар замирида қишлоқ врачлик амбулаторияси мудири Шавкат Алиевнинг заҳматли меҳнати, фидойилиги ва элига, элдошларига меҳр-муҳаббати ётибди. Эзгулик ва меҳрсаховат бор жойда эса оқибат ҳам мангу яшайверади.

**Темур ҲАЙДАРОВ.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 232.
1 2 3 4 5 6